



## ВЕНЧУР КАПИТАЛИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

**Абдурахманов Камолиддин Батирович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

ORCID: 0009-0000-7096-484X

[abdurakhmanovkamoliddin89@gmail.com](mailto:abdurakhmanovkamoliddin89@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада венчур капиталининг моҳияти ва мазмуни, унинг назарий асослари ҳамда Ғарб, Россия ва Ўзбекистон олимларининг венчур капитали назариясини ривожланишига қўшган хиссаси очиб берилган.

**Калит сўзлар:** капитал, венчур капитал, техник ва технологик тараққиёт, венчур инвестиция, инновация, инновацион инвестициялаш, иқтисодий ўсиш.

## СУТЬ И СОДЕРЖАНИЕ ВЕНЧУРНОГО КАПИТАЛА

**Абдурахманов Камолиддин Батирович**

*Ташкентский государственный экономический университет*

**Аннотация.** В статье раскрываются сущность и содержание венчурного капитала, его теоретические основы, а также вклад западных, российских и узбекских ученых в развитие теории венчурного капитала.

**Ключевые слова:** капитал, венчурный капитал, технико-технологическое развитие, венчурное инвестирование, инновации, инновационные инвестиции, экономический рост.

## THE ESSENCE AND CONTENT OF VENTURE CAPITAL

**Abdurakhmanov Kamoliddin Batirovich**

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** The article reveals the essence and content of venture capital, its theoretical foundations, as well as the contribution of Western, Russian and Uzbek scientists to the development of venture capital theory.

**Keywords:** capital, venture capital, technical and technological development, venture investment, innovation, innovative investments, economic growth.

### **Кириш.**

Жаҳонда глобал технологик, саноат устунлиги ва технологик суверенитет учун мисли қўрилмаган рақобат кураши шароитида венчур капитал дунё давлатлари ва бизнес вакилларининг яқиндан қизиқиш объектига айланмоқда. Венчур капиталининг ўзига хос хусусияти унинг инновацияларни тижоратлаштириш ва янги технологиялар трансферини саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилганлигидадир. Венчур капитали ўз табиатига кўра инвестицион ресурсдир. Хорижий ва маҳаллий илмий ва эксперт ҳамжамиятида венчур капиталини кенгайтирилган инновацион такрор ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили сифатида тушуниш шаклланган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **(51-мақсад) Иқтисодийга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантиришга** алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистон Стратегиясида миллий иқтисодийга конвергент технологияларни жорий этишнинг устувор тармоқлари белгиланиб ушбу тармоқларни тараққиётнинг драйвер тармоқлари деб баҳоланди. “Мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса нефт газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, “Яшил иқтисодий” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодийтимиз “драйверларига” айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд” (Мирзиёев, 2021).

Миллий иқтисодийда янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билимларнинг жадал равишда инновацион маҳсулотга айланишини рағбатлантириш, мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашга имкон берувчи ваколатли молиялаштириш механизмини яратиш зарурати вужудга келмоқда.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Инновацион фаолиятни инвестициялаш унда венчур капитални ривожлантириш масалалари билан бир қатор хорижлик олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Масачусетс Технологиялар институти олимлари Гомперс ва Лернерларнинг (2004) ишларида атрофлича кўриб чиқилган. АҚШлик иқтисодчи олим, профессор Уилям Баумолнинг фикрига кўра, венчур капитал сармоядорлари таваккалчиликни юқори даражада баҳолаган ҳолда стартапларга қўллаб-қувватлаш бериб, уларнинг тезкор ривожланишига ёрдам берадилар (Каржаув, 2005).

Миллий хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда венчур инвестицияларнинг назарий ва услубий муаммоларини рус олимлари Каржаув ва Фоломьев (2005) томонидан ёзилган “Миллий венчур инвестиция тизими” асарида таъкидлаб ўтилган. Фоломьев, (1999) венчур капиталини инвестиция шакли сифатида қараб, юқори ишбилармонлик фаоллиги ва юқори фойда олиш салоҳияти билан ажралиб турадиган инновацион тадбиркорликнинг кичик ва ўрта шакллари яратиш билан белгиланади деб таъкидлайди.

Ўзбек олимларидан Абдуллаев, Фаттахов, Ахмедовлар (2020) ўз ишларида венчурли капитални фирманинг инновацион фаолиятини тижорат асосида молиялаштиришнинг манбаларидан бири сифатида қарашган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва график усулларидан фойдаланилади.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Венчур капитали категориясининг мазмуни ва унинг моҳияти ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг трансформацияси жараёнида ўзгарди; иқтисодий тараққиётнинг ҳар бир босқичининг реал воқелигига мос равишда ўзига хос мазмун билан бойитиб борилди. Индустрлаштириш жараёнининг бошида ялпи капитални жамғарилишига қараб, илмий билимлар, ишлаб чиқариш технологияларни жамғарилиши натижасида ишлаб чиқариш омиллари даромадлигини ўсиши ҳисобига иқтисодий ўсиш жадаллашди,

инновациялар самарали фойдали бўлди; ишлаб чиқаришни концентрациялаш, капиталнинг иқтисодий маконда фаолиятини кенгайтириш ва тадбиркорларнинг жамоавий ҳаракатлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва индустриалаштиришни жадаллаштирувчи ислохотларни сиёсий қўллаб-қувватлаш учун рағбатлар пайдо бўлди.

Замонавий венчур капитал, ўзининг анъанавий тушунчасига кўра, 1946 йилдан «Америсан Ресерч&Девелопмент», корпорацияси ташкил этилгандан сўнг шакллана бошлади, унинг мақсади шунчаки оддий даромад олишдан кўра кўпроқ даромад олиш амбицияси эди. АҚШда венчур капитал бозорининг шаклланиши ўртача статистик америкаликнинг турмуш фаровонлигининг ўсиши ва ахборот ва компьютер технологияларининг ривожланиши билан бир вақтда юз берди.

Европа ва Японияда венчур капитал инвестициялари фақат 1970 йилларга келиб ривожланди, улар илмий-техникавий тараққиётни молиялаштириш заруратидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бошқарув томонидан қўллаб-қувватланадиган капитал иштироки нуқтаи назаридан улушли молиялаштириш тавсифига эга бўла бошлади; венчур капитал фаолияти унчалик муҳим ва динамик эмас эди.

Иқтисодий ўсишнинг секинлашуви пандемия шароитида капитал венчур молиялаштириш соҳасига ўтишга интилади. Европа венчур капиталига қилинган инвестициялар ҳажми бўйича энг тез ривожланаётган минтақалар қаторига киради; Буюк Британиянинг венчур капиталига инвестициялар Франция ва Германия билан ҳамкорликдаги кўрсаткичини ортда қолдирди.

Венчур инвестициясининг асосчилари А.Рок, Ф.Джонсон ва Т.Перкинсон томонидан киритилган "венчур капитали" атамасининг талқини: хусусан мазмун жиҳатидан ва турли иқтисодиётларда венчур индустриясининг ривожланиши ва институционал, молиявий ва ижтимоий-сиёсий шароитлар табиатига қараб турличадир. Американинг венчур капитали мазмунига бўлган (venture capital) ёндашуви тор тавсифга эга: компанияларда инвестицияларига хизмат кўрсатувчи "стартап лойиҳаларни бошланғич экиш" босқичларида турган капитал сифатида қаралади (Бузгалин, 2015). "Хиссадорлик капитали" (private equity) атамаси хусусий капитални компаниялар акцияларига тўғридан-тўғри инвестиция қилишни англатади бироқ бу ерда юқори ўсиш салоҳиятига эга бўлган венчур капитали бундан мустасно.

АҚШнинг венчур капитали (2021 йилда инвестициялар 328,8 миллиард долларга етган) ёш юқори технологияли компаниялар акцияларига йўналтирилди. Бундай қимматли қоғозлар савдоси NASDAQ биржадан ташқари электрон савдо тизимида амалга оширилади. Британия венчур инвестициялар, хусусан венчур капитал венчуре сапитал форматида стартапларга ажратилган маблағлар сифатида кўриб чиқилади ва бу 2021 йилда 39,8 миллиард долларни ташкил этди. Хусусий капитал акциялари фонд бозорида сотилмайдиган акциядорлик жамиятларига йўналтирилади, бу эса ўз бошқаруви ёки иккинчи шахс томонидан акцияларни сотиб олиш имконини беради. Венчур капитали (ташкilotнинг ҳаёт циклининг босқичидан қатъий назар) фонд бозорларига тақдим этилмаган хиссадорлик компанияларига қилинган инвестициялар сифатида қаралади.

Европа ёндашуви жуда кенг бўлиб. "Венчур капитали" (venture capital) ва "хусусий хиссадорлик капитали" (private equity) атамалари бир хил маънога эга; икки ҳолатда ҳам лойиҳанинг ҳаётий циклининг турли босқичларини, шу жумладан катта миқдорда молиялаштиришни талаб қилувчи сўнги босқичларни молиялаштиришни назарда тутилади. Европа Иттифоқида трансмиллий венчур фондлари кенг оммалашиб, умумевропа лойиҳаларини ягона валютада (асосан кенгайиш, ривожланиш босқичида) молиялаштириб, ўзининг ва хорижий молиявий воситачилар (банклар, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари) маблағларини кенг жалб этади.

Реал ҳаётда венчур капиталнинг муомаласи унинг ҳаракат қонунларини ва фаолиятини амал қилишини таъминловчи адекват институционал муҳитнинг

мавжудлигини назарда тутати. Инновацион муҳитда венчур капиталнинг ҳаракати илм-фан ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлашда, номоддий активларни сотувини таъминловчи технологиялар трансферига самарали ёрдам беради.

Иқтисодий назария фанида венчур капитални тадқиқ этиш (иқтисодий қонунларнинг амал қилиши) венчур капиталнинг табиати (у фиктив ёки молиявий капиталнинг бир тури бўладими) ҳақидаги саволни ўртага қўйиш; такрор ишлаб чиқариш жараёнида венчур капиталнинг доиравий айланиш қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Барча тадқиқотларни турли-туман бўлишига қарамай венчур капитал моҳияти ҳали ҳам етарли даражада тадқиқ этилмаган. Венчур капитали, унинг ҳаракати ва динамикасини ўрганиш, биринчидан, унинг иқтисодий мазмуни, вазифалари, ташкил этиш ва бошқариш шакллари, иккинчидан, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда венчур капитал ҳаракатини белгиловчи омиллар таҳлилинини ўрганишни назарда тутати деган хулосага асосланиб, олимларнинг ушбу йўналишдаги тадқиқотларини умумлаштирамиз;

Инновацион фаолиятни инвестициялаш унда венчур капитални ривожлантириш стратегияси ва уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми масалалари билан бир қатор хорижлик олимлар, жумладан, Лундвалл Б, Менш Г., Портер М., Кортум С., Солоу Р., Тоффлер Э., Хурикава М, Фримен К., Шумпетер Й. ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Хорижлик олимларнинг тадқиқот ишларида венчур капиталнинг фаолияти, юқори технологияли корхоналарни молиялаштириш, технологик тараққиётни жадаллаштиришга венчур капиталнинг таъсири, расмий ва норасмий венчур капитал бозорларининг ривожланишига оид назарий ва амалий ишланмалар ўз аксини топган.

Венчур капитали фондларининг юзага келиши, венчурли инвестициялаш жараёни таҳлили, венчур капиталида ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари, венчур капиталини инвестициялаш босқичлари ва венчур капиталининг инновацион фаолият жадаллашувига таъсири каби масалалар Масачусетс Технологиялар институти олимлари П.Гомперс ва Ж.Лернерларнинг ишларида атрофлича кўриб чиқилган (William Baumol, 1993). АҚШлик иқтисодчи олим, профессор Уилям Баумол инновацион тадбиркорликни иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири деб ҳисоблайди. У венчур сармояларини иқтисодиётда янги маҳсулотларни яратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда асосий восита сифатида кўради. Баумолнинг фикрига кўра, венчур капитал сармоядорлари таваккалчиликни юқори даражада баҳолаган ҳолда стартапларга қўллаб-қувватлаш бериб, уларнинг тезкор ривожланишига ёрдам берадилар (Каржаув, 2005).

Миллий хўжаликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда венчур инвестицияларнинг назарий ва услубий муаммоларини ишлаб чиққан Россиялик иқтисодчи олимлардан И.Р. Агамирзян, Ю.П. Аммосов, С.В. Валдайцев, А.Т. Каржаув, М.В. Кудина, А.Н. Фоломьев, Р.С.Дзарасов, В.А. Бариновой, А.С. Ворожевич, Б.З. Мильнера, Е.С. Акельева, Р.М. Э.Р. Валеев, Т.И. Волкова, В.И. Вагизовой, И.П. Довбий, В.Г. Зинова, С.Д. Ильенковой, О.И. Лаврушина ва бошқалап ушбу мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Венчур капитали кўп қиррали тушунча бўлиб, 2000-йилларнинг ўрталарида рус олимлари Каржаув ва Фоломьев (1999) томонидан ёзилган “Миллий венчур инвестиция тизими” асарида таъкидлаб ўтилган. Бу масала, жумладан, қонунчилик даражасида ҳам ўрганилган. Венчур капиталининг моҳиятини очиб беришга бағишланган тадқиқотлар таҳлили ушбу иқтисодий категорияга қуйидаги ёндашувларни аниқлаш имконини берди. Фоломьев, (1999) венчур капиталини инвестиция шакли сифатида қараб, юқори ишбилармонлик фаоллиги ва юқори фойда олиш салоҳияти билан ажралиб турадиган инновацион тадбиркорликнинг кичик ва ўрта шакллари яратиш билан белгиланади (Дзарасов, 2014) деб таъкидлайди. Венчур капитали ҳақида бошқа кенг тарқалган

қарашлар ҳам мавжуд. Масалан Дзарасов (2014) хулосасига кўра иқтисодийда доиравий ҳаракатда бўлган қимматли қоғозлар (реал пул ўрнини босувчи) кўринишида, қимматли қоғозлар бозори ва биржа маконида муомалада бўладиган, капитални концентрациялаш ва марказлаштириш, фойдани тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, суғурта ва чайқовчилик функцияларини бажарадиган фиктив капитал сифатида. Юқорида айтилганлар венчур капитали учун хос эмас, бу эса унинг бундай идентификацияни шубҳали қилади.

## 2-жадвал

**“Венчур капитали” иқтисодий категориясини аниқлашга  
бўлган ёндашувлар**

Муаллифлар	Таърифи
АҚШ венчур капитали миллий ассоциацияси	Венчур капитали бу - ушбу соҳа мутахассислари билан таъминланган, менежмент линияси бўйича уларни қўллаб-қувватловчи, рақобатбардош ривожланиш учун катта салоҳиятга эга бўлган ёш жадал ривожланаётган компаниялар капиталидир
Буюк Британия венчур капитали ассоциацияси	Венчур капитали - бу фонд биржаларида рўйхатдан ўтмаган, ривожланишнинг энг дастлабки ва кейинги босқичларида бўлган, компанияни сотиб олиш битимларни амалга ошириш учун катта молиявий ресурслардан фойдаланишни талаб қиладиган акционер капиталга қилинган инвестиция бўлиб ҳисобланади
Европа венчур капитали ассоциацияси	Венчур капитали – бу тадбиркорлик маблағлари билан ҳамкорликда корхонани ривожланишининг дастлабки босқичларида (уруғлик ва ишга тушириш) ёки кенгайтириш босқичини молиялаштириш учун инвестиция қилинадиган профессионал бозор иштирокчиларининг пул маблағлари бўлиб ҳисобланади.
Европа венчур капитали ассоциацияси	Венчур капитали - бу бошқарув йўналишида қўллаб-қувватлашни ифодалаб, компаниянинг капиталида шериклик асосида иштирок этувчи рискли молиялаштиришдир.
Венчур молия лаштириш бўйича Россия ассоциацияси	Венчур капитали - бевосита тўғридан-тўғри инвестициялар учун капитал манбаи ва хусусий компанияларга инвестицион қўйилмалар шакли бўлиб ҳисобланади.
Ўзбекистон олимлари Ж.И.Бўтаев., У.К.Якубов., Ф.И.Дўстов., С.Р.Чулиев., Н.Б.Ашурова., А.Атамурадов.,	Венчурли капитал бизнинг фикримизча бу – корхоналар ва фирмалар (старт-тлар) бозорида янги, ўсиб бораётган ёки курашадиган ва шунинг учун юқори ёки нисбатан юқори даражада риск билан боғлиқ бўлган молиявий маблағларни жалб қилиш учун мўлжалланган инвесторлар капитали бўлиб, юқори даромадлар кутган ҳолда қимматли қоғозларга ёки бизнESGга узоқ муддатли инвестициялардир. Венчурли капитал одатда инновацион компаниялар билан боғлиқ бўлади.

*Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.*

Тадқиқот ишида иқтисодий категория сифатида венчур капиталини тадқиқ этиш асосида унинг иқтисодий категориянинг моҳиятини очиб берувчи турли мактабларнинг илмий ёндашувлари тизимлаштирилди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Европа венчур капитали миллий ассоциациялари ёндашувлари, Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон олимларининг ёндашувлари умумлаштирилди.

Ўзбекистонда ривожланган давлатларнинг венчур капитални ривожлантиришнинг турли моделларининг айрим тажрибалари миллий иқтисодийга жорий этилган, аммо саноат илмий-техникавий ривожланишнинг стратегик дастурига асосланган миллий моделimiz ҳали тўла ишлаб чиқилмаган. Миллий иқтисодийда венчур инвестицияларнинг назарий ва услубий муаммоларини ишлаб чиқиш, инновацион ривожланиш стратегиясининг айрим жиҳатлари уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми масалалари мамлакатimiz иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Ушбу тадқиқотларни ривожланишини биз уч давр нуқтаи назардан қарашimiz мумкин.



Биринчи давр Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестицияларни иқтисодиётни техник ва технологик модернизациялаш жараёнига ва миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган тадқиқотларда, жумладан, Абулкасимов Х.П., Бегалов Б.А., Вахабов А.В., Воронин С.А., Пардаев М.Қ., Д.Ф.Ғозибеков., Жаҳонгиров И.Ж., Кадиров А.А., Махкамova М.А., Махмудов Н.М., Мухитдинова Н.К., Назарова Р.Р., Расулов Т.С., Юлдашев Ш.Г. ва бошқа олимларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Иккинчи давр Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида давлатнинг инновацион-инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш инновацион-инвестицияларнинг миллий хўжалиқда инновацион иқтисодий ўсишига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борган олимларидан З.Т.Гаибназарова., С.А.Гиясов., М.А.Маматов., Шакирова Ф.Б., Разиқова Г.Х. ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда венчур капиталнинг илмий-назарий ва услубий муаммоларини ишлаб чиқиш нисбатан янги давр бўлиб, бугунги кунда бу мавзудаги тадқиқотлар асосан илмий мақолалар, рисоалар шаклида олиб борилмоқда. Уларга Ж.И.Бўтаев., У.К.Якубов., Ф.И.Дўстов., С.Р.Чулриев., Н.Б.Ашурова., Ш.А.Атамурадов., И.И.Эргашев ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида венчур капиталнинг афзаллиги, функциялари ва ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва унинг иқтисодиётда инновацияларни молиялаштиришдаги роли очиб берилган.

Ўзбекистонда венчур капитал бўйича биринчи илмий тадқиқотлардан бирида венчурли капиталнинг асосий мақсади бўйича тўхталиб, “венчур капиталнинг мақсади бу инвестиция киритиш натижасида етарлича юқори фойда олиш ҳисобланади. Бунда инвестор аввал киритган инвестиция маблағлари ёрдамида ижобий ривожланишни таъминлай олган корхонанинг активларидаги ўзининг улушини шу соҳада фаолият юритадиган бирор-бир йирик компанияга сотиш орқали ўз фойдасини олади” (Эргашев, 2017) деб таъкидлаб ўтилади. Тадқиқотчи олимлар Ашурова ва Атамурадов (2024) фикрича: “Бугунги кунда технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилиш бутун дунёдаги инновация ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ўта муҳим ҳисобланади. Венчур сармоялари ёрдамида стартаплар янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларни жорий этиб, бозорда тезкор ривожланиш ва рақобатбардошликка эришади. Хусусан, сунъий интеллект, биотехнология, киберхавфсизлик, блокчейн ва экологик инновациялар каби соҳаларда венчур сармоялар орқали жуда катта тараққиётга эришилмоқда”.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда “Венчур капитал тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий база тўла шаклланмаган. Бугунги кунда Ўзбекистонда венчур капитал Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, барқарор стартап лойиҳалар экотизимини шакллантириш ва венчур капитал бозорини кенгайтириш орқали мамлакатимизга хорижий венчур инвестицияларини жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-357-сон қарори (2024) асосий норматив ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Сўнги йилларда олимлар томонидан фан ва амалиётда венчур капиталнинг табиатини тадқиқ этишга, асосан молиявий ёндашув нуқтаи назаридан катта эътибор қаратилди. Венчур капитали ўсиш потенциалига эга бўлган ривожланаётган юқори технологияли компанияларнинг акцияларига узоқ муддатли рискли инвестициялар сифатида ёки кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватловчи молиявий капиталнинг махсус шакли сифатида қаралади. Венчур капиталнинг функционал мақсади инновацион бизнеснинг шаклланиши, ривожланиши ва унинг қийматининг ўсишига ёрдам беришдир. У тадбиркорлик фаолиятининг асоси бўлиб, янгилик, ихтиро ва

таваккалчилик қилишга тайёрлиги билан ажралиб туради. Бу венчур капитали қийматини ва венчур инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш усулларига алоҳида талаблар қўяди. Шу маънода у молиявий капиталнинг бир тури бўлиб, унинг иқтисодийнинг турли манбалари ва соҳаларидан маблағ жамғаришига ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Умуман олганда, илмий таълимот венчур капиталининг қуйидаги асосий фундаментал белгиларини аниқлайди:

- рискли муҳитни илова қилиниши (инновацион соҳада фаолият юритувчи капитал); венчур капиталистнинг ихтиёрига кўра қайтариб олиш имкониятисиз бўлган узоқ муддатли молиялаштириш тавсифига эга; ўз моҳиятига кўра венчур инвестициялаш жараёни (молиявий капитал), инвесторнинг стратегик/назорат қилувчи иштироки билан бошқарув қарорларини қабул қилишда (инсон капитали), инновацияларни тижоратлаштиришда (интеллектуал капитал); хусусиятга эга;

- "кириш" қисмида молиявий маблағлар қайтариб олинмайдиган ва фойсиз шартда молиялаштирилади; "чиқиш" да инвестиция қилинган капиталга нисбатан юқори даромад кутилади. Шундай қилиб, молиявий ёндашув нуқтаи-назарга кўра венчур капитал харажатларни қоплаш манбаи сифатида кўриб чиқилади, бу унинг ривожланиши ва фаолиятининг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда капиталнинг ўзига хос таркибий қисми сифатида унинг табиатини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди.

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида венчур капитали ҳаракатининг узоқ муддатли ҳаётий цикли махсус ташкил этиш, назорат қилиш, бошқариш ва ахборот таъминоти билан билан бирга амалга ошади.

У инсон капитали билан интеграциялашганлиги билан боғлиқ бўлиб, капиталнинг бошқа шаклларига нисбатан юқори ялпи риск ва инновацион ва инвестицион ташкил қилувчиларда рискни устунлиги (юқори рентабеллик билан комбинацияга эҳтиёж) билан тавсифланади.

Шу билан бирга, юқори рискга интилиш истаги объектив ва онгли равишда қабул қилинади. Рискни қабул қилиш венчур фондлари орқали амалга оширилади, унда риск шериклар ўртасида тақсимланади.

Бу инноватор компаниянинг фаолияти устидан фонд томонидан ташқи назоратни бўлишини белгилашини, шунингдек, ялпи рискни камайтириш учун ахборот, ташкилий-бошқарув таъминотини мавжудлигини назарда тутати.

### Adabiyotlar/ Лумепамура/ Reference:

*Gompers P., Lerner J. (2004) The Venture Capital Cycle. Massachusetts Institute of Technology. – P. 555.*

*William J. Baumol, (1993) Academic Director Berkley Center for Entrepreneurial Studies William J Baumol. Entrepreneurship, Management, and the Structure of Payoffs. MIT Press, -311.*

*Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., Ахмедов К. (2020) Рақамли иқтисодиёт. –Т.: "LESSON PRESS" нашриёти. -686 бет. Ўқув қўлланма. Б. 518, 20-521, 530-531, 624-625.*

*Ашурова Н.Б., Атамуратов Ш.А. (2024) Технологик стартаплар учун венчур капиталини жалб қилиш стратегиялари. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, октябр. 318-325 Б.*

*Бузгалин В.А. (2015) Глобальный капитал. В 2-х т. Т. I. Методология: По ту сторону позитивизма, постмодернизма и экономического империализма (МАРКС RE-LOADED). / А. В. Бузгалин, А. И. Колганов. – Издание 3-е, испр. и суц. доп. М.: ЛЕНАРД, – 640 с.*

*Дзарасов, Р.С. (2014) Как оценивать национальное богатство / Р.С. Дзарасов // Проблемы прогнозирования. – № 4.– 115–122.*

Каржаув, А.Т. (2005) Национальная система венчурного инвестирования / А.Т. Каржаув, А.Н. Фоломьев. –М.: ЗАО «Издательство «Экономика», –239 с.

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-357-сон қарори.

Мирзиёев Ш.М. (2021) “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. –Т.: Ўзбекистон нашриёти. – Б. 232.

Фоломьев, А.Н. (1999) Венчурный капитал / А. Н. Фоломьев, М. Нойберт; Рос. акад. гос. службы при Президенте Рос. Федерации. – СПб. : Наука, – 140 с.

Эргашев И.И. (2017) Венчур капитали хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни инвестициялашнинг манбаи сифатида. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль.